2012 ЙИЛ 7 АВГУСТ, СЕШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 155 (12.216)

Баҳоси эркин нархда

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

MUSTAQILLIK · INDENPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 21 O'ZBEKISTON

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий боғида ҳар шанба куни мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Анъанавий тарзда ўтаётган ушбу тадбирнинг навбатдагиси Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими томонидан Тошкент шаҳар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимизнинг ҳар бир санаси тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, унинг замирида халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти мужассамдир. Эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурурифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келинаётган, мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодларимиз қалбида Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этади.

Миллий боғда республикамизнинг таниқли санъаткорлари, ёш хонандалар томонидан қўйланган қўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади. Байрам шодиёнаси кўтаринки руҳда ўтиб, йиғилганлар қалбига қувонч бахш этди. Шўх-шодон куй-қўшиқлар юрагида ўти борларни даврага чорлади.

Эътиборимизни кўргазмали стендларга қаратдик. Жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш тамойиллари, қон қуйиш препаратлари корхонасининг фаолиятидан ҳикоя қилувчи стендлар, ўқув курси ўқувчилари томонидан тайёрланган бисер, тўқилган буюмлар барчада қизиқиш уйғотди.

— Бугун боғда мустақиллигимизнинг улуғ шодиёна тўйи муносабати билан тадбир ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ижрочи директори Шоҳида Худойберганова. — Бу тадбирда биз Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ҳақида маълумот берувчи кўргазмаларимиз билан қатнашмоқдамиз. Кўргазмаларда жамиятнинг асосий фаолият йўналишлари — фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатиш, аҳолини биринчи ёрдамга тайёрлаш, меҳр-шафқат хизмати ҳамда ёшлар билан ишлаш, халқаро гуманитар ҳуқуқни тарғиб қилиш, қидирув хизматларининг иши ўз аксини топган. Бундан ташқари тадбирда жамиятимизнинг ёшлар бўлими аъзолари ҳамда кўнгиллилар ҳам иштирок этмоқда. Улар ҳам байрамни қизғин кутиб олиш ниятида жамиятнинг қайси йўналишида бўлишидан қатъи назар ўзларининг билимларини синашга, тадбирни ҳамкорликда ўтказишда ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Бугунги тадбирда кўпчиликни қизиқтирган саволлар бўлди. Жамиятимиз нима билан шуғулланади, қанақа ташкилот деган саволларга жавоб қайтариш мақсадида ўзимизнинг кўргазмали стендларимизни тайёрладик. Сиз жамиятни биласизми, деган мавзудаги викториналарни ўтказмоқдамиз. Кўпчилик ёшлар жамиятга қандай аъзо бўлиш мумкинлиги билан қизиқишди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида навбатдаги мажлис бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

Концепция парламентга давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган.

Ҳужжатда ҳозирги халқаро муносабатлар тизимидаги ўзгаришларга Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари нуқтаи назаридан баҳо берилган. Унда давлат ташқи сиёсатининг асосий мақсади, принциплари, вазифалари, шунингдек, устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятини шакллантириш жараёнлари ва уни амалга ошириш механизмлари очиб берилган.

Концепция қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунга ва давлатимизнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига асосланади ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларига, шу жумладан, БМТ Уставига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияга ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Хельсинки якунловчи актига мос келади.

(Давоми 2-бетда)

2012 йил 6 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисини шу йил 30-31 август кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга, демократик янгилаш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари киритилмоқда. Давлат ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ҳамда вазифаларини, ўрта ва узоқ истиқболда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашлар яхлит тизимининг ҳуқуқий асосини тартибга соладиган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, хусусий мулк ҳуқуқини ва уни ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлашга, дахлсизлигининг ишончли кафолатлари тизимини яратишга қаратилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, суднинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳамда жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида қонунийлик таъминланиши устидан назоратни амалга оширишда суднинг ролини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, кичик бизнес субъектлари барқарор ишлаши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаб беришни, давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиши ҳолларининг олдини олишни назарда тутадиган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир.

Сенаторлар Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳри ва Фарғона тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини ҳам кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман Кенгаши томонидан туманда жойлашган «Берк» бўёқ заводи ҳудудида «Озода шаҳрим» мавзуида деворга расм чизиш акцияси ўтказилди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими томонидан туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Ўзбекистон тарихи Давлат музейида қўғирчоқ театри томошаси ҳамда «Ватан туйғусини қалбингга жо қил» мавзуида расм чизиш бўйича кўрик-танлов ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказиладиган анжуман «Ўзбекистонда матбаачилик корхоналари ва нашриётларининг ривожланиш истиқболлари, босма даврий нашрлар ҳамда китоб маҳсулотларининг стандарт талабларига мувофиқлиги» мавзуига бағишланади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида «Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи» мавзуида конференция ўтказилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Адлия вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан икки юзга яқин фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

● Норин туманида жорий йилнинг олти ойи давомида Бандлик дастури доирасида етти маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, 1542 кишига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Уларнинг 744 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Яқинда тумандаги педагогика коллежида навбатдаги ана шундай тадбир уюштирилди. Унда ҳудуддаги касб-ҳунар коллежларининг 400 нафарга яқин битирувчиси қатнашди. Уларга 40 дан ортиқ ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликлари томонидан 452 та бўш иш ўрни таклиф этилди. Пировардида 365 нафар йигит-қиз иш берувчилар билан шартнома имзолашди.

● Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Ўтган ҳафтада Нигерияда нефть қазиб олиш ҳажми бир кунда 2,7 миллион баррелга етказилди. Бу мамлакатда углеводород хом ашёси тайёрлаш борасидаги рекорд кўрсаткичдир. Манбага кўра, кейинги йилларда Нигерияда «қора олтин» ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Бунга 2009 йилда ҳукумат Нигер дарёси дельтасида қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширган жангариларни афв этгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Чунки босқинчилар ҳибсда ушлаб турилган вақтда уларнинг ҳамтовоқлари томонидан нефть объектларига мунтазам ҳужум уюштирилиб турилганди. Бу эса соҳа ривожига тўсиқ бўлаётганди.

● Саудия Арабистонида жамоат жойларида чекишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Аввал фақат аэропортларда чекиш ман этилган бўлса, энди давлат идоралари, ресторан, кафе, супермаркет ва савдо марказлари, одамлар гавжум боғ ҳамда хиёбонларда тамаки чекиш қатъиян тақиқланди. Маълумотларга қараганда, Саудия Арабистони чекувчилар сонининг кўплиги билан дунёда тўртинчи ўринда турар экан. Мамлакатда ҳар куни олти миллион кашанда тамаки маҳсулотларини харид қилиш учун саккиз миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлайди.

● АҚШнинг Юта штатидаги Вудсайд шаҳарчаси сотувга қўйилди. Кимсасиз шаҳарда эски олтин кони, почта бўлими ва ёнилғи қуйиш шохобчаси бор. Илгари уч юзга яқин аҳоли истиқомат қилган ушбу шаҳарча анча файзли эди. Хабарларга кўра, шаҳар соҳиби 63 ёшли Рой Пог Вудсайдни 3,9 миллион АҚШ долларига сотиш ниятида.

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дунёда ва минтақамизда юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, халқаро ва минтақавий тараққиётнинг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг принципиал нуқтаи назарига мувофиқ Концепцияда қуйидаги асосий қоидалар баён этилган:

Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларига, фаровонлиги ва хавфсизлигига, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига, амалдаги миллий қонунчилик ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга амал қилган ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги қуролли зиддиятларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди.

Конституцияга, «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунга ва Ҳарбий доктринага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат ҳудудининг яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини асраш мақсадидагина тузилади ҳамда хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари ва сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинди.

ЎзЛиДеП фракцияси депутатлари шуни таъкидладиларки, Ўзбекистоннинг 20 йилдан ортиқ мустақил тараққиёти даврида ҳар томонлама пухта ўйланган ҳамда миллий манфаатларга асосланган, дунёда кенг эътироф этилган ва жаҳон ҳамжамиятида мамлакатнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаган ташқи сиёсий йўли шаклланди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ўтган йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида эришилган амалий тажрибага таяниб, фаол, дадил ва мутаносиб ташқи сиёсий йўлни амалга ошириш талаб этилаётган XXI асрнинг тинимсиз ўзгариб бораётган халқаро сиёсий вазиятини ҳисобга олган ҳолда қурилмоқда.

«Адолат» СДП фракцияси вакиллари таъкидлаганидек, Концепцияда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, суверенитетни, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, чегараларнинг дахлсизлиги ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, шунингдек, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик каби устувор принципларига содиқ бўлиб қолишига алоҳида ўрин берилган.

Муҳокамалар чоғида ЎзХДП фракцияси депутатлари Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши Марказий Осиё минтақаси бўлиб, мамлакатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақа билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидладилар. Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари билан муносабатларда доимо очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб қолади, минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммолар ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини ёқлайди. Концепцияда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё муаммолари ташқи кучлар аралашувисиз, минтақадаги давлатларнинг ўзи томонидан ечилиши кераклиги тўғрисидаги нуқтаи назари аниқ баён этиб берилган.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари таъкидладиларки, ҳозирги босқичда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий вазифаларидан бири, Концепцияда назарда тутилганидек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга кўмаклашишдан иборатдир. Ҳужжатда Ўзбекистон ўзининг Афғонистонда узоқ муддатли барқарорлик ва тинчлик сақланишининг қатъий тарафдори эканлигини ҳамда тарихий тажрибани ҳисобга олиб, бу мамлакатга нисбатан анъанавий тарзда яхши қўшничилик ва дўстона сиёсат юритаётганлиги таъкидланади. Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик принципларига риоя этилиши тарафдори ва у билан ўз муносабатларини икки томонлама асосда, ҳар иккала мамлакатнинг миллий манфаатлари ва халқаро ҳуқуқнинг умум қабул қилинган нормаларини ҳисобга олиб, Афғонистон халқи танлайдиган йўлни ҳурмат қилган ҳолда йўлга қўяди.

Экологик ҳаракатдан сайланган депутатларнинг фикрларига кўра, Концепцияда трансчегаравий сув ҳавзалари ресурсларидан фойдаланиш масалаларида Марказий Осиё мамлакатларининг ягона нуқтаи назари йўқлиги туфайли ушбу сув ҳавзаларидан фойдаланишнинг ҳал этилмаган ҳаётий муҳим муаммоларига ҳамда айрим давлатлар сувдан биргаликда фойдаланиш соҳасидаги давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормаларини инкор этаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Концепцияда таъкидланганидек, Ўзбекистон минтақадаги барча экологик муаммолар ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини ёқлайди.

Батафсил муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди, мазкур ҳужжат кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати

СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Биз донорлардан қон оламиз, донорликка 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган соғлом инсонлар қабул қилинади, — дейди «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг шифокори Ильсуяр Шершеева. — Юқумли касалликларга чалинмаган кишилар қон топширишлари мумкин. Соғлиғидан шикоят қилмайдиган инсонларнинг йилига 4 маротаба қон топширишларининг ҳеч қандай зарари йўқ. Қон топширган кишиларда қон суйилади, инфаркт, инсульт каби оғир хасталикларнинг олди олинади. Бундан ташқари қон олти хил касаллик бўйича текшириб берилади. Жигар фаолияти ҳам назоратдан ўтказилади. Донор ўзининг саломатлиги ҳақида ахборотга эга бўлади. Бу галги байрам тадбирида иштирокимиз туфайли фаолиятимизга қизиқувчиларнинг сони ортмоқда. Асосийси, одамлар билан мулоқотимиз яқинроқ бўлса, донорларимиз кўпайса, янада кўпроқ қонга муҳтож одамларнинг ҳаётини сақлаб қоламиз.

— Мустақиллик арафасида уюштириладиган мазкур боғдаги байрам тадбирига Бухородан ташриф буюрдим, — дейди Шофиркон туманидаги 18-футбол мактаб-интернати ўқитувчиси Нодира Хўжаева. — Биласизми, анъанавий тарзда ўтадиган байрамга ҳар йили қатнашаман. Байрам ташкилотчилари жуда яхши тайёргарлик кўришган. Элимиз севган хонандалар Собиржон Мўминов, Фаррух Аҳмедовларнинг куй-қўшиқларини тинглаб, кўнгилларимиз қувончга тўлди. Ташкил этилган кўргазмаларни томоша қилиб туриб, карвин санъати менда қизиқиш уйғотди. Тарвузга солинган гулни кўриб тўғриси, ҳайратландим.

Китоблар кўргазмаси томон йўл олдик. Боққа ташриф буюрганлар бежирим, чиройли безакли китобларга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Бугунги маънавий тадбирда асосан охирги йилларда нашриётимиз томонидан нашр этилган мустақиллика оид ижтимоий-сиёсий адабиётлар, болалар адабиётлари, дарсликлар ҳамда қўшимча адабиётлар кўргазмаси билан иштирок этмоқдамиз, — дейди «Ўқитувчи» нашриёт матбаа-ижодий уйи маркетинг бўлими бошлиғи Аваз Солиҳов. — Тадбирдан кўзланган мақсад мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида кенг жамоатчиликка маънавий-маърифий тадбирларга ўз ҳиссамизни қўшиш, нашр этилган маҳсулотларимизни намойиш этишдир.

— Мустақиллик туфайли ўз ишини йўлга қўймоқчи бўлганларга катта имконият яратилди, — дейди Сергели туманидаги «Нозимабегим Зиё» нодавлат таълим муассасаси директори Матлуба Холмуҳамедова. — Мен ҳам қизларимизга ҳунар ўргатишга мўлжалланган ўқув маркази очишни дилимга туккандим. Ниҳоят ниятимга етдим. Ўқув марказимизни ташкил этилганига бир йил бўлди. Асосий фаолиятимиз ўқувчи ва ёшларни касбга йўналтириш, ҳунар ўргатишдир. Ўқув марказимизда турли ҳунарларга ўқитилади. Шароитларимиз замонавий талабларга жавоб беради. Қизларимизга мўлжалланган тикиш-бичиш, тўқувчилик, бисер, сартарошлик курслари бор. Мактаб ўқувчиларимиз учун чегирмалар қилинган...

Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз – халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётганини тарғиб этишга қаратилган тадбир юқори савияда ўтди.

Зиёда РАСУЛОВА
Козим Ўлмасов олган суратлар

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда маҳаллий давлат бошқаруви органларининг очиқлиги ва аҳолини ахборот билан таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» лойиҳаси ҳамкорлигида Жиззах ва Наманган вилоятларида ташкил этилган намунавий ахборот хизматлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор этишдан иборат.

Анжуманда мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятларини яратиш, аҳоли ва жамоат бирлашмаларини давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор қилиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» лойиҳаси ҳамкорлигида Жиззах ва Наманган вилоятларида амалга оширилаётган ишлар шулар жумласидандир. Лойиҳа доирасида Жиззах ва Наманган вилоятлари, Жиззах, Наманган шаҳарлари ҳамда Зомин ва Янгиқўрғон туманлари ҳокимликларида намунавий ахборот хизматлари ташкил этилди.

Мазкур ахборот хизматлари ахборот йиғиш ва уни қайта ишлаш орқали ҳокимлик органлари фаолиятини ахборот билан таъминлаш, оммавий ахборот воситалари орқали ҳокимлик органлари фаолиятидан аҳолини кенг ва мунтазам хабардор қилиш, ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар бераётган самараларни холисона ёритиш, оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, жамоатчилик фикри ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ҳокимлик органлари фаолиятига таъсирини таҳлил этиб бориш каби вазифаларни бажаради.

– Амалга оширилаётган лойиҳа маҳаллий ҳокимият органлари билан оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради, – дейди БМТ Тараққиёт дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» лойиҳаси раҳбари Дилшод Исроилов. – Жорий йилнинг биринчи ярмида лойиҳада иштирок этаётган ахборот хизматлари томонидан кўплаб матбуот анжуманлари ва брифинглар ташкил этилди. Телекўрсатувлар ва видеороликлар тайёрланди, газеталар ва интернет нашрларда ахборот материаллари эълон қилинди, ахборот хизматлари веб-саҳифалари яратилиб, мунтазам янгилаб борилмоқда. Келгусида бундай ахборот хизматларини мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам ташкил этиш режалаштирилмоқда.

ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛЬ – 2012

Мамлакатимизда 5 август куни UZ – миллий домени интернет-фестивали бошланади. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази томонидан ташкил этилмоқда.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари Ш.Отамуҳамедов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ахборот соҳасида, жумладан, барча жойларда интернетни жорий этиш ва ундан аҳолининг кенг қатламлари ҳам фойдаланишига эришиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Айни пайтда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 8 миллиондан ошди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида интернет тармоғини, айниқса, кенг полосали ва симсиз форматни, жумладан, қишлоқ жойларда ҳам янада оммалаштириш, интернет тармоғининг ўзбек сегментини бойитиш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Бу йил фестиваль 5 августдан 24 сентябргача давом этади. Ўзбекистон аҳолисининг кенг қатламлари орасида интернетни оммалаштириш, миллий контентни ривожлантириш ва жаҳон ахборот тармоғида ўзбек тилини қўллаш соҳасини кенгайтиришга кўмаклашиш фестивалнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Мамлакатимизда интернет-фестиваллар 2001 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. 2007 йилдан бошлаб эса интернет тармоғининг ўзбек сегменти ресурсларини ривожлантириш мақсадида UZ миллий домени интернет-фестивали ўтказилмоқда.

Иккинчи даражали «UZ» миллий домени 1995 йил 29 апрелда ташкил этилган эди. 2012 йил 1 август ҳолатига кўра, «UZ» зонасида фақат иккинчи даражали фаол доменлар сони 15 мингдан ошди. Шунингдек, UZ доменига тааллуқли бир неча минг учинчи даражали доменлар ҳам мавжуд.

Танловда фестиваль давомида фаолият кўрсатадиган ва UZ доменида рўйхатга олинган сайтлар иштирок этиши мумкин. Танловда иштирок этувчилар ҳайъат аъзолари, сайт эгалари ва барча хоҳловчилар томонидан фестивалнинг www.if.uz расмий сайтида тақдим этилган рўйхатга олиш шакли бўйича кўрсатилиши мумкин. Иштирок этиш учун аризалар 2012 йилнинг 5 августидан 5 сентябригача қабул қилинади.

Сайтларни баҳолаш учун интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларнинг малакали мутахассисларидан иборат ҳайъат ташкил этилади.

Фестивалнинг танлов дастури 10 та мавзуга оид ва 3 та махсус номинацияни ўз ичига олади. Бу йилги танлов дастурига ҳар бир мавзуга оид 10 номинация иштирокчилари учун WWW.UZ миллий излаш тизимининг махсус мукофотлари ҳам киритилган. Ушбу махсус номинацияда маълум вақт ичида ҳар бир мавзудаги номинация иштирокчилари орасида энг кўп балл тўплаган 10 та сайт ғолиб бўлади. «Оила учун энг яхши сайт» янги махсус номинациянинг жорий этилгани 2012 йилги фестиваль танлов дастурининг аввалгиларидан ўзига хос фарқи ҳисобланади.

Ҳар бир номинация бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар таъсис этилади ҳамда уларнинг эгаларига фестивалнинг диплом ва мукофотлари топширилади. Ғолибларни мукофотлаш маросими анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиладиган «InfoCOM – 2012» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигининг биринчи куни, яъни 24 сентябрда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтади.

Фестивални ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича www.if.uz сайти ёки e-mail: if@infocom.uz электрон манзилига мурожаат қилиш мумкин.

(ЎзА)

Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

ҚЎШИҚЛАРДА МУҚАДДАС ВАТАН МАДҲИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизими босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Т.Қўзиев, Ўзбекистон халқ артисти М.Йўлчиева, Бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари Ҳ.Раҳимов ва бошқалар мусиқа санъати халқ маънавиятини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли ғоявий таҳдидлар таъсиридан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Мамлакатимизда 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Жорий йилги танловнинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ўтган босқичида 7000 нафардан ортиқ иштирокчи табаррук диёримизни мадҳ этувчи рангбаранг куй-қўшиқлари билан қатнашди. Уларнинг 40 нафардан ортиғи ижодий беллашувнинг якуний босқичида иштирок этди.

– Ватан ҳақида куйлашнинг ўзи бир бахт, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон халқ артисти, ҳакамлар ҳайъати раиси Абдуҳошим Исмоилов. – Ушбу танлов ёшларга ана шундай имконият бераётгани, кўплаб истеъдодли йигит-қизларни кашф этаётгани билан аҳамиятлидир. Ижрочиларнинг ёруғ чеҳраси, ёниб турган кўзлари мазкур танлов юртимиз ёшларида тобора катта қизиқиш ва эътибор уйғотаётганидан дарак беради.

– Кўрик-танлов учун «Туғилган ер» қўшиғини тайёрлаб келдик, – дейди қорақалпоғистонлик ёш хонанда Султон Қосекеев. – Барчамиз ўз тақдиримиз, келажагимизни мустақиллигимиз, эркин ва осойишта ҳаётимиз билан ўзаро уйғунликда кўрамиз. Қўшиғимизда ушбу жиҳатларни тингловчига етказишга ҳаракат қилдик.

Фарғоналик Наримон Мирзабоевнинг «Ўзбекистоним», Қорақалпоғистон Республикасининг «Квартет» гуруҳи ижросидаги «Туғилган ер» қўшиқлари биринчи ўринга лойиқ топилди.

Назокат УСМОНОВА

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби фармацевтика саноати ҳам жадал ривожланди. Миллий матбуот марказида ўтказилган «Республикамиз аҳолисини дори воситалари билан таъминлашда амалга оширилаётган ишлар, уларнинг натижалари ва келажакдаги вазифалар» мавзусидаги тадбир ҳам мустақиллик йилларида соҳада қўлга киритилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар муҳокамасига бағишланди.

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОНИЯТ

«Ўзфармсаноат» ДАК томонидан ташкил этилган тадбирда юртимиздаги дори воситалари ва тиббий эҳтиёж буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари, соҳа мутахассислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 1990 йиллар бошида фармацевтика бозоридаги маҳсулотнинг фақатгина икки фоизи маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган. Мустақиллик даврида эса илмфан, техника ривожи, ишлаб чиқариш жараёнларининг такомиллаштирилиши юртимизда фармацевтика саноатининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим омил бўлди. Ҳозирги вақтда республикамизда дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган махсус лицензияга эга бўлган 129 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналарда 1130 хилдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш сифати, самарадорлиги ва қамрови йилдан йилга ошиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилда ўсиш суръати 2010 йилдагига нисбатан 125 фоизга ошган ва 296,4 миллиард сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон фармацевтика маҳсулотларига хорижда ҳам қизиқиш ортмоқда. Масалан, кейинги йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган 230 номдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар экспорт маҳсулотлари рўйхатига киритилди. Маҳаллий дори ва тиббий анжомлар етказиб берувчи корхоналарнинг маҳсулотлари жаҳоннинг ўн битта мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Юртимизда фармацевтика соҳасини юксалтириш, маҳаллий хом ашёдан турли харидоргир ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, 2011 йилда соҳага 70 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Бу маблағларнинг 74 фоизи янги корхоналарни барпо этишга ва 26 фоизи соҳани модернизация қилишга йўналтирилди. Шунингдек, ўтган йилда замонавий, юқори технологик ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги корхоналар, уларда бир марталик шприцлар, ампулалар, инфузион эритма идишлари, боғлов материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 12 та лойиҳа ҳаётга жорий этилди.

Тадбирда жорий йилнинг ярим йиллик натижалари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми 158,3 миллиард сўмни ташкил этганлиги таъкидланди. Бундай натижага эришишда юртимизда фаолият кўрсатаётган «Жўрабек Лабораториес», «Радикс», «Нобельфармсаноат», «Само», «Ўзгермедфарм», «Мерримедфарм», «Эластикум» ва «Азия трейд» корхоналарининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ўзбекистон серқуёш, мўътадил иқлими, турли-туман доривор гиёҳларга бойлиги билан ажралиб туради. Етти иқлимга донғи кетган Ибн Сино авлодлари бўлган илмфан намояндалари янги кашфиётлар устида тинмай изланмоқда. Мамлакатимизда фармацевтика саноатини янада юксалтиришга, минг бир дардга даво миллий маҳсулотларимизни хориж фармацевтика бозорларига бундан-да кенг қамровда олиб чиқишга шароитлар етарли. Бу имкониятлардан руҳланган «Ўзфармсаноат» ДАК мутахассис ходимлари соҳа равнақига ҳисса қўшиш учун самарали меҳнат қилишмоқда.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти, эришилган ютуқлар, қилиниши керак бўлган ишлар хусусида сўз юритилганда, аввало шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, қисқа вақт ичида бир қатор самарали натижалар қўлга киритилди.

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Хусусан, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси 2012 йилнинг биринчи ярмида пойтахт ҳудудида экологик соғломлаштириш юзасидан давлатимиз томонидан чиқарилган қарорларнинг бажарилиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва юртимизда экологик хавфсизликни яратиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик талабларига риоя қилиниши бўйича назоратни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлардаги текширувларни мувофиқлаштириш каби кўплаб ишларни амалга оширди.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳисобот даврида 70 та комплекс, 26 та режадан ташқари қисқа муддатли, 10 та назорат тартибида, 127 та давлат бюджетидан молиялаштириладиган объектлар бўйича текширишлар ўтказди. Бундан ташқари, фуқаролар ва ташкилотлар талабларига биноан шаҳар ўсимлик дунёсини асраш масаласи юзасидан 635 та жойларга чиқишлар амалга оширилди. Ихтиофауна ва ҳайвонот олами жониворлари билан ноқонуний савдо қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Давлат биологик назорати ва карантин хизмати вакиллари билан биргаликда шаҳар бозорларида 10 та рейд ўтказилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси ва юқори ташкилотларнинг тақдимномаларига асосан ташкил этилган 25 та комиссия ишида қўмита ходимларининг иштироки таъминланди, 35 та шикоятлар кўриб чиқилди. Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларининг бажарилишини назорат қилиш юзасидан 76 та мақсадли, жумладан Йўл хавфсизлиги ҳаракати бошқармаси билан 6 та, «Тоза сув ўзани» тадбири чегарасида 70 та рейдлар ўтказилди.

Шунингдек, аҳоли, айниқса ўсиб келаётган авлоднинг экологик маданияти, билими, савиясини, маълумотини ошириш мақсадида қўмита томонидан тарғибот ва ташвиқот ишлари мунтазам равишда олиб борилаётир.

2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида «Пойтахт» ва «Тошкент» телеканалларида қўмитанинг етакчи ва бош мутахассисларнинг иштирокида 22 телекўрсатув ва 24 радиоэшиттиришлар ташкил этилди.

«Тошкент» радиоканалида рус ва ўзбек тилларида ҳар ойда иккита тўғридан-тўғри мулоқотлар олиб борилади ва шаҳар аҳолиси томонидан экологик, атроф-муҳит муҳофазаси йўналишида уларни қизиқтирган саволларига мутахассислар жавоб беради. Бундан ташқари жума кунидаги «Пойтахт» дастурида «Табиат ва биз» мавзусида маълумотлар бериб борилади.

Шунингдек, қўмита «Экология хабарномаси. Экологический вестник» нашриёти билан ҳамкорлик қилади. Ушбу ҳамкорлик асосида қўмитанинг электрон сайти ташкил қилиниб, мунтазам равишда янгилаб борилади. Журнал саҳифаларида нафақат қўмита ходимлари ва мутахассисларининг, балки олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ҳам мақолалари чоп этиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракати билан биргаликда Ахборот технологиялари университети негизида талабалар орасида ўтказилган «Глобал иқлим ўзгаришига мосланишда талаба-ёшларнинг ўрни» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Унда қўмитанинг давлат инспекторлари Д.Султонова ва Р.Нигматуллаевалар иштирок этиб, ғолибларга совринлар топширдилар.

Бутунжаҳон Ер кунига бағишлаб «Ekolandskape» ННТ билан биргаликда Мирзо Улуғбек туманидаги 18 сонли мактабда экология байрами ташкил қилинди. Байрамда эколойиҳа, экологик кўриниш, экологик викторина йўналишида кўрик-танловлар ўтказилди. Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб «Экомактаб» ННТ билан биргаликда халқ таълими шаҳар тизимидаги «Баркамол авлод» болалар марказлари ўртасида «Энг яхши экология бурчаги» кўрик-танлови ўтказилиб, ғолиблар тақдирланди. Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб F.Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида экология байрами ўтказилди. Байрамда Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази ўқувчилари қатнашди. «Табиат болалар нигоҳида» болалар расм кўрик-танлови, асфальтга чизиш, «Усталар шаҳри» кўрик-танловлари ташкил этилди. Ёшларнинг севимли хонандалари томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

Бу каби ўтказилган тадбирлардан ташқари, режа асосида 2012 йилнинг 10 апрелидан 22 майгача «Тоза ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи ўтказилди, оқава сувларнинг сифати ва ифлосланиш даражаси ўрганиб чиқилди, корхона ва ташкилотларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар хусусида ҳисоботлар тингланди ва бу борада тегишли хулосалар чиқарилиб, камчиликлар, қонунбузарликларнинг олди олинди. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» лойиҳаси доирасида ҳам аҳолининг экологик маданиятини янада оширишга қаратилган самарали ишлар амалга оширилди ҳамда эришилган натижалар билан чекланиб қолмай, келгусида кўзланган режаларни ҳам босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш давом этмоқда.

Артур МУСТАФИН,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари

ДАРАХТЛАР — СОФ ҲАВО МАНБАИ

Назаримизда йиллар ўттани сайин ёз мавсуми олдинги йилларга нисбатан анча иссиқ ҳарорат олиб келаётгандай. Ҳеч эътибор берганмисиз, ёзнинг саратон чилласи авжига чиққан кезлар қаерга қараманг, қуёшнинг оташ тиғидан ҳимоя излаган одамлар ўзини дарахтлар соясига урган ҳолатга дуч келасиз.

Дарҳақиқат, гап дарахтлар хусусида кетар экан, шак-шубҳасиз, уни умрбоқийлик, тоза ҳаво, сиҳат-саломатлик манбаига қиёслаймиз. Профессор Н. Трайтакнинг таъкидлашича, ёз чилласида дарахтли ва дарахтсиз жойларнинг микроиқлими турлича бўларкан. Масалан, июнь ойи ҳарорати 50 даража бўлса, дарахтсиз кўчадаги асфальт ҳарорати 65 ни, дарахтли жойларда эса 32 ни ташкил қилса, дарахт соясидаги ҳаво ҳарорати 24 даража атрофида бўлар экан.

Дарахт барглари фақат ҳароратга эмас, балки ҳаво таркибига ҳам ижобий таъсир кўрсатаркан. Бир метр куб ҳавода 500-1000 донагача микроб бўлиши мумкин. Бундай ҳаво нисбатан тоза ҳисобланади. Аксарият ўрмон дарахтлари учувчан органик моддалар ажратади. Бу моддалар нафас олганда ҳаво билан дармондори тарзида организмга киради ва ўзлаштирилади. Ўрмон ҳавосининг софлиги ва мўътадиллиги ҳам шундан. Дарахтзорларда ҳавонинг тоза бўлиши ўсимликлардан кўплаб чиқариладиган фитонцидлар таъсирида микробларнинг қирилиши билан боғлиқдир. Фитонцидлар микроорганизмларга қирон келтирибгина қолмай, балки ҳашаротларга ҳам зарар етказади.

Табиийки, бутун борлиқ кислород билан тирик. Юз литр бензин ёқилганда – битта одамнинг бир йиллик умрига етадиган кислородни ҳўплаб қўяркан. Бир гектар ердаги 10-15 йиллик ўрмон ҳар йили уч тонна кислород, ўн кг фитонцид ишлаб чиқариш билан бирга 50 тонна чангни ютиб, ҳавони турли хилдаги зарарли газлардан ҳам тозалайди. Олимларнинг ҳисоблашларига кўра бир гектар ердаги дарахт барглари 2 кг карбонат ангидрид газини ўзлаштираркан. У кислороддан ташқари, ҳидли модда – фитонцидлар ҳам ажратади. Фитонцидлар эса тирик организмларда турли касалликларни қўзғатувчи микроорганизмларни бартараф этади. Шунинг учун ҳам ўрмон ҳавоси шаҳарникидан анча фарқ қилади. Масалан, ўрмондаги 1 м куб ҳавода 200-300 бактерия бўлса, шаҳардаги шу ҳолатда бу кўрсаткич 45000-50000 миқдорни ташкил этади. Шу боис, хоналарда турли-туман гуллар сақлаш, ҳовли, кўча ва хиёбонларда ҳар хил ўсимликлар экиш хосиятлидир, чунки улар ҳавони тозалаб инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, кишиларнинг соғлиғи ва меҳнат қобилияти асосан у нафас олаётган ҳавонинг сифатига боғлиқ экан. Соф ҳаводан бахраманд киши чиниққан бўлади, шамоллаш каби касалликлар билан оғримайди. Салқин ва соф ҳаво баданни бамисоли «чаяди», «ювади». Шунда терининг сезги нервлари уйғониб, бадан ҳароратини маромига келтиради. Юрак-томирлар фаолияти ошади, нафас олиш чуқурлашади, руҳий доира тиниқ ва равшан бўлади. Ифлос ҳаво эса биргина инсон эмас, балки турли металл конструкциялар ва иншоотларни, ҳатто маданият ёдгорликларини емиради, катта-катта экинзорлар ҳосилдорлигини, яйлов ҳамда ер-сув ресурслари потенциалини пасайтиради.

Айниқса, шаҳарлар ҳавосини тозалашга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Чунки аҳоли зич, шамолнинг эсиши қийин бўлганидан заҳарли газ миқдори тўпланиб қолади. Бундан ташқари, катта шаҳарларда ҳаво ўта иссиқ бўлади. Асфальт йўллар, бинолар қизиб кетиб, ҳавонинг циркуляцияси бузилади. Буларнинг ҳаммаси организмнинг қизиб кетишига ва нафас олишнинг оғирлашишига олиб келади. Шунинг учун ҳам кўп қаватли уйлар атрофида чанг ютгич дарахтлар экиш фойдадан холи эмас. Шундай экан, пойтахтимизнинг ҳар бир маҳалла-гузарларидаги бир парча ер бўлса ҳам ундан унумли фойдаланиб, мевали ва манзарали дарахтлар экиб, парваришлаб кўпайтирсак, нафақат атмосферамизни, балки ўзимизнинг ҳам муҳофазамизни таъмин этган бўламиз.

Азамат СУЮНОВ,
журналист

Мулоҳаза

СУВНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Она ер, она замин... Бу сўзларни эшитганда ўзининг табиий неъматлари билан эл-юртни боқадиган, ҳаётимиз, борлиғимиз асоси бўлган заминимизнинг қадимдан она даражасида улуғланиши бежиз эмаслигини англаб етамиз.

Табиат неъматларининг ҳар бири ҳақида узоқ гапириш, мулоҳаза юритиш мумкин. Биз ушбу мақолада табиатнинг энг бебаҳо неъматларидан бири бўлмиш – сув ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Сув – инсон, ҳайвонот ва ўсимликларнинг яшаши учун зарур бўлган атроф-муҳитнинг энг муҳим элементларидан биридир. Сув инсоннинг табиий муҳитда яшаши учун ҳаво каби зарур омил эканлиги ҳам барчамизга аён.

Сув одам баданининг структурали элементларини вужудга келтиришда иштирок этади. Одам организмидаги сувнинг умумий миқдори унинг вазнининг салкам 70 фоизини ташкил этади. Сув организмга кирадиган ҳаётий муҳим моддаларнинг (оқсил, ёғ, минерал туз ва витаминларнинг) асосий эритувчиси ҳисобланади. Инсоннинг табиий муҳитда яшаши учун ҳам ушбу неъмат ҳаво каби зарур. Аниқроқ айтганда, одам организмида аслида сув эритмаси бўлиб, унда модда алмашинувининг барча жараёнлари қатнашиб, буйрак, ўпка, ичак ва тери орқали инсон организмидан ажралиб чиқади.

Дарҳақиқат, ҳамма нарса сув билан тирик, унинг танқислиги сезилаётган шароитда ундан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишимизга тўғри келади. Бу борада оммавий ахборот воситаларида, жойлардаги чиқишларда бир неча бор таъкидлаб ўтилмоқда.

Бироқ, «танганинг иккинчи томони» олиб қаралганда юқорида келтирилган масалаларни ўйлаб кўриб, ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишга жазм қилдик.

Жаннатмакон диёримиз атроф-муҳитини муҳофаза қилишда, нормал ҳарорат, намлик ва ҳаво иқлимини яхшилашда сув катта аҳамият касб этади, албатта. Шу боисдан водопровод сувидан ташқари, оқар сувлардан унумли фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ходимлари шаҳар бўйлаб сув шохобчаларининг тақсимланиши ва йўналишларини кўзда тутсалар, яъни сув бир ердан кириб, шаҳарни айланиб, сув билан таъминлаб, яна бир ерга йиғилиб, исроф бўлмасдан катта сувга қўшилиб йўлида давом этса, шаҳарнинг иқлим шароитини мўътадил сақлашга катта ёрдам беради. Аммо, масаланинг иккинчи томони ҳам борки, кўпчилик эътиборини тортиши табиий.

Яъни, кўча-кўйда юрганимда айрим фаррошларнинг йўлаклардаги ахлатларни, супуриндиларни бемалол ариқларга супуриб юборавериш-ларига кўзим тушади. Сиз ҳам бунинг гувоҳи бўлгандирсиз. Тасаввур қилиб кўринг, ариқларда ахлатлар жамланиб қоладиган бўлса у ерда сув тошиб, кўлмаклар ҳосил бўлади, атроф-муҳитни ифлослантиради.

Қисқа қилиб айтганда, шаҳримизнинг озода, кўркам ва файзли бўлишига ҳар биримиз алоҳида эътибор қаратсак, ён-атрофдаги жараёнларга бефарқ бўлмасак қутилган натижага эришган бўлар эдик.

Аҳмадхон ХЎЖАХОНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, нозири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Ҳар йили ҳар бир ташкилот ва корхона ўзининг табиатга етказиладиган зарарини камайтириш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқади.

БАРЧА ВАЗИРЛИК, МУАССАСА, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бу тадбирларни амалга оширишда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий жамғарма маблағларидан ҳам маблағ ажратилади. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси 2012 йилги илмий-тадқиқот, меъёрий-услубий ишлар, ташкилий ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари дастурини шакллантириши тўғрисида маълум қилади.

Дастурни шакллантиришда қатнашишни хоҳлаган, қизиққан барча ташкилот, корхона, муассасалар ва шахсларни дастурда ўзларининг иш лойиҳалари билан иштирок этиш учун таклиф этади. Таклифлар 2011 йилнинг 1 октябригача қабул қилинади.

Барча лойиҳалар танлов асосида кўриб чиқилади. Қизиққанлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

1.Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси номига таклиф қилаётган ишнинг номи кўрсатилгани ҳолда расмий хат (заявка) ёзилади.

2. Таклиф этилаётган иш лойиҳаси қуйидаги маълумотларни қамраб олиши керак:

- Лойиҳанинг тўлиқ номи.
- Лойиҳанинг тури (фундаментал ва ҳ.к.).
- Лойиҳанинг қисқача мазмуни, унинг асосланиши, мақсади, унинг табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, Тошкент шаҳар аҳолисининг истиқомат қилишига қулай шарт-шароитлар яратиши бўйича экологик тузилмаси (3-4 варақ).
- Лойиҳанинг бажарилиш муддати (йил, ой санаси).
- Лойиҳанинг бажарилиши календар режаси.
- Лойиҳанинг бажарилиши учун техникавий топшириқ.
- Лойиҳанинг кутилаётган экологик ва иқтисодий самарадорлиги (0,5 варақ).
- Лойиҳанинг бажарилиши юзасидан тасдиқланган харажатлари (калькуляцияси).

3.Бажарувчи ташкилотнинг реквизитлари (манзили, телефон рақамлари ва электрон манзили).

4.Лойиҳа ижро гуруҳи раҳбарининг фамилияси ва исми-шарифи, унинг анкета маълумотлари (туғилган йили, эгаллаб турган лавозими, илмий унвони, турар манзили, иш ва уй телефон рақамлари, электрон манзили), ижрочи гуруҳнинг сони ва таркиби.

5. Лойиҳанинг амалга оширилиши жараёнида бошқа ташкилот қатнашиши кўзда тутилса, унинг номи, манзили ва лойиҳага дахлдорлиги тўғрисида қисқача маълумот.

6.Иш бўйича (агар бўлса) тегишли муассаса, ташкилотлар тақризлари.

Кўрсатилган ҳужжатлар бўлмаса, лойиҳа бўйича таклифлар комиссия томонидан кўрилмайди.

Тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди ва ўтказилган танловлар натижаси аппеляцияга дахлдор эмас.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фақат Дастурга киритилган ишлар юзасидан хабар беради.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 271-21-57, 277-13-28.

Таклифлар қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 7, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бўка туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. 14.11.2011 й. № 8511/16-сонли ижро ҳужжатига асосан «ААГ-ГАЗ САЗ 3507», д/р. 11 О 2812 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 280 287 сўм. 2. 14.11.2011 № 8515/16-сонли ижро ҳужжатига асосан «OPEL», д/р. б/н. автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 451 300 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 23 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Бектемир туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 07.03.2012 й. № 2-24-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. «Ваз 21063», д/р. 01 Z 749 ВА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 696 838 сўм. 2. 07.03.2012 № 2-24-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. «Матиз», д/р. 50 R 403 ВА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 500 000 сўм. 3. 22.02.2012 № 1-64-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. «Матиз Бест», д/р. 01 E 332 FA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 717 865 сўм. 4. 07.06.2012 № 1-338-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. «Матиз», д/р. 01 A 406 GA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 7 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 7 сентябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 24 сентябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй Тел.: 266-80-76

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Бектемир тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Бектемир тумани Ҳ.Бойқаро кўчасидаги Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказининг далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Москвич-412» русумли д/р 11Х8782 бўлган 1983 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати №2-24, 07.03.2012 й. Бошланғич баҳоси – 1 268 677 сўм. 2. «Ваз-21063» русумли д/р 01А571НА бўлган 1986 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси, №1-287, 13.06.2012 й. Бошланғич баҳоси – 6 798 488 сўм. 3. «Ваз-21074» русумли д/р 01Y647FA бўлган 2000 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси, №1-97, 27.03.2012й. Бошланғич баҳоси – 8 895 504 сўм. 4. «Тико» русумли д/р 11Q4405 бўлган 1998 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси, №1-133, 05.03.2012й. Бошланғич баҳоси – 6 406 220 сўм. 5. «Ҳундай Старекс» русумли д/р 30W9788 бўлган 2007 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси, №2-27, 19.04.2012й. Бошланғич баҳоси – 6 333 800 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 11 сентябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 7 сентябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежи таълим муассасаси буфетини ижарага бериш юзасидан

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта давомида қабул қилинади.

Телефон: 237-66-18.

«AVIA INVEST PLYUS» масъулияти чекланган жамияти (ИНН: 302262701) жамият устав фондининг 2700000 сўмгача қисқартирилганлигини маълум қилади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Бунёдкор кўчаси, 8 Д-уй манзили бўйича қабул қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (3712) 233-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

КЕЛАЖАККА «КАМОЛОТ» БИЛАН

Барчамизга маълумки, бугунги кунда «Камолот» ЁИҲ ўз атрофига кўплаб ёшларни жалб эта олган ташкилот ҳисобланади. 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларни ўзида бирлаштирадиган ушбу ҳаракат тадбирларининг ҳеч қайсиси ўз самарасини бермай қолмайди.

«Камолот» ЁИҲ Чилонзор тумани бўлими фаолиятига назар ташлаганимизда туман ёшларининг хоҳиш ва истаклари асосида кўплаб лойиҳа ва тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилаётганининг гувоҳи бўлдик.

— Бугунги кунда туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оила фарзандлари учун компьютер саводхонлиги тўгараги ташкил этилиб, тўгарак машғулотларида қизиқувчан ёшлар мунтазам иштирок этиб келмоқда, — дейди «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Куни кеча туманда жойлашган «Олмазор» маҳалласининг бир гуруҳ ёшлари учун навбатдаги ўқув машғулотлари бошланди. Эндиликда маҳалланинг 15 нафар ўсмир ёшлари уч ой давомида туман Кенгашида ташкил этилган ўқув тўгарагига қатнаб, малакали мутахассислардан компьютернинг асосий қурилмалари, унинг ишлаш механизми ҳамда турли хилдаги дастурлаш йўллари бўйича ўз билим ва малакаларини оширадиган бўлишди.

Чилонзор туманига ёшлар етакчиси бўлиб келган кунидан бошлаб бор кучини туман ёшларининг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда янги иқтидор эгаларини кашф этишга сарфлаётган Баҳодир Зиёвуддинов туман Кенгашининг кўмаги ва назорати остида, ёшлар ўртасида сўров ўтказилганида уларнинг аксарияти инглиз тили ва компьютер савдохонлиги курсларида таълим олиш истаги борлигини таъкидлашганини ҳам айтиб ўтди.

«Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши қошида биринчилардан бўлиб «Компьютер саводхонлиги» ўқув курсини жорий этган ушбу Кенгаш аъзолари ва етакчиларининг нияти ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва унумли ўтказишларида кўмаклашиш, қолаверса, келажакда чуқур билим ва кўникмага эга ёшларни тарбиялаш эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Камола МАҲАМЕДОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

2012 йил ёз мавсумида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида жами 55 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатиб, уларда 43 мингга яқин болаларни, шунингдек, мактаблар қошидаги оромгоҳларда 16500 нафар ҳамда стационар турдаги оромгоҳларда 23500 нафар ўқувчилар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 1870 нафар ўғил-қизни сўлим оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.

Ёз — ўтмоқда соз

МИРИҚИБ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШДИ

Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотлари тасарруфидаги соя-салқин, сўлим оромгоҳларда жорий йилнинг 31 июль ҳолати бўйича Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг фарзандларидан 1870 нафари мароқли дам олдилар.

Оромгоҳларда «Маънавият ва маърифат» хоналари ташкил этилган бўлиб, бой маданий тарихий меросимизни ўрганишга, уни тарғиб этишга хизмат қилади. Оромгоҳларда шоирлар, спортчилар иштирокида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги байрами муносабати билан турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилди. Болалар касб-ҳунар сирларини ўрганишга, меҳнатни севишга йўналтирилган турли қизиқарли тўгарак машғулотларида моҳир мураббийлар раҳбарлигида қизиқиш билан шуғулландилар. Жумладан, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши тасарруфидаги «Гулбаҳор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида болаларнинг севимли шоири Шукур Қурбон иштирокида мушоира уюштирилиб, Ватан, ота-онага меҳр-муҳаббат, тинчлик, бахтиёр болаликни тараннум этувчи шеърларни шоир ҳамда болалар ифодали ўқишди. «Пахтакор» клубида тарбияланаётган ёш футболчилар билан учрашув ўтказилди. Шунингдек, «Гулбаҳор» соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган қорақалпоғистонлик болаларнинг пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони, Ўзбекистон Миллий боғи каби диққатга сазовор жойларга ташрифи ташкилий равишда уюштирилди.

Бўстонлиқ туманининг Оқтош, Чимён табиат гўшаларида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг «Касаба уюшмалари болаларга» акцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги байрамига бағишлаб, оромгоҳлараро спартакиада мусобақалари ўтказилди. «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида эса Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги шодиёнаси муносабати билан «Чотқол» — дўстларни чорлайди» анъанавий фестивали ташкил этилди.

Куни кеча Тошкент марказий темир йўл вокзалида «Белдирсой», «Нурафшон» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида мазмунли дам олган қорақалпоғистонлик болалардан 190 нафарини уйларига кузатиш тадбири ўтказилди. Оромгоҳларда уюштирилган қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар, викториналар, спорт мусобақалари, тўгарак машғулотларида ясалган ижод намуналари, кутубхонада севиб китобларни ўқишдан олинган таассуротлар боланинг беғубор қалбида бир умрга муҳрланади ва эзгу ниятлар билан камол топишига хизмат қилади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТДА: қорақалпоғистонлик болаларни кузатиш маросимидан лавҳа

Козим Ўлмасов олган сурат

Ўз=ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳамманинг ҳам қариганда соғиниб, мароқ билан эслайдиган ёруғ ўтмиши бўлсин.

* * *

Нодонда ўжарлик, донода ғурур бўлади.

* * *

Ўзини ўйлаган нуқул бошқаларни қийнаб, уларга муаммо туғдириб юради.

* * *

Кимнинг кимлигини вақт кўрсатади.

* * *

Фаросатсизлик ҳар қадамда кишини шарманда қилади.

* * *

Бировга талаб қўйиш осон, ўзингга қийин.

* * *

Бир нарсани бировга маъқул қилишнинг ўзи бўлмайди.

* * *

Баъзилар гапираётганида ўзини қўллаб бўлса-да бировнинг гап қўшишини хоҳламайди.

* * *

Доноликнинг муайян чегараси бор, лекин аҳмоқлик чегара билмайди.

* * *

Ниқталаб турмасанг, қимирламайдиган одамлар бор.

* * *

Жангу жанжал қилган эмас, парво қилмаган ютади.

* * *

Ҳаёт кутилмаган нарсалари билан қизиқ.

* * *

Аҳмоқлик кўз-кўз қилинадиган нарса эмас.

* * *

Ҳамма нарса ўз изига тушиб кетиши учун вақт керак, сабр керак.

* * *

Қониқмаслик туйғуси инсонни олға бошлайдиган куч.

* * *

Одам дегани ўзини меҳнату кулфатда – ҳаёт қийинчиликларида тоблаши ҳам керакка ўхшайди – бўлмаса мўрт бўлиб қолади.

* * *

Кимга жони азиз, кимга шони.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«Лондон — 2012»

ВАДИМ МЕНЬКОВ — ФИНАЛДА

ЛОНДОН, 6 август. ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади:

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, навқирон авлоднинг спорт билан шуғулланиши учун қулай шароит яратиш, иқтидорли ўғил-қизларни кашф этиб, уларни маҳоратли спортчилар этиб тарбиялаш ва доимий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор самарасида ҳамюртларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпия ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда мунтазам муваффақият қозонмоқда.

Лондон шаҳрида давом этаётган XXX ёзги Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган каноэда 1000 метрга эшкак эшишда ҳамюртимиз Вадим Меньков саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтди.

Таъкидлаш зарурки, саралаш мусобақасининг биринчи босқичида 17 мамлакат вакиллари иштирок этди. Ўз гуруҳида маррага иккинчи келган ўзбек спортчиси ярим финалга чиқди. Финал йўлланмаси учун баҳсда эса 16 спортчи икки гуруҳда ўзаро куч синашди. Унда маррага тўртинчи етиб келган Вадим Меньков финалда иштирок этадиган бўлди. Ғолиб ва совриндорлар 8 август куни бўлиб ўтадиган финал мусобақаларида аниқланади.

– Каноэчи сифатида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, жаҳон кубоги ва Осиё ўйинлари каби барча нуфузли мусобақаларда зафар қучган бўлсам-да, Олимпия ўйинларида шоҳсупага кўтарилиш – энг юксак орзуим, – дейди Вадим Меньков. – Шу боис мақсадим – XXX ёзги Олимпия ўйинларида ғалаба қозониб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаш. Олимпия ўйинларининг саралаш баҳслари муваффақиятли ўтди. Энди бор эътиборимни финал беллашувларига қаратаман. Ҳар қандай мусобақа давомида давлатимиз раҳбари, халқимиз мени қўллаб-қувватлаб турганини чуқур ҳис қиламан ва бу менга янада куч-ғайрат бағишлайди, ғалабага бўлган иштиёқим ва интилишимни оширади. Биз, спортчилар, истиқлол туфайли халқаро майдонларда ўзимиз туғилиб ўсган юрт шарафини ҳимоя қилиш имконига эга бўлдик. Шунинг учун Лондон Олимпиадасида халқимизнинг Энг улуғ, энг азиз байрами – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб совға тайёрлашга ҳаракат қиламан.

1987 йилда туғилган Вадим Меньков халқаро майдондаги дастлабки салмоқли ютуғига 2006 йилда Қатарнинг Доҳа шаҳрида ўтган Осиё ўйинларида эришган. Ўша йили Польшада жаҳон кубоги мусобақасида иккинчи ўринни эгаллади. Осиё чемпионатида эса шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

В.Меньков Пекин Олимпиадасида 1000 метрга эшкак эшишда совринли ўринларга жуда яқин эди. Пойгани тўртинчи ўринда якунлади. Гарчи совринли ўринни ололмаган бўлса-да, осиёлик каноэчилар ўртасида энг яхши кўрсаткични қайд этганди.

Пекин Олимпиадасидан сўнг ўз олдига юксак мақсад ва марраларни қўйган спортчимиз машқларни кучайтириб, мусобақаларга янада кучли масъулият билан ёндаша бошлади.

Таниқли мураббий Александр Пономарёв раҳбарлигида шуғулланаётган моҳир спортчимиз 2009-2012 йиллар давомида беш маротаба жаҳон кубоги босқичларида зафар қучди. 2009 йили Канаданинг Дартмут, 2010 йили Польшанинг Познань шаҳарларида ўтган жаҳон чемпионатларида каноэда 1000 метрга эшкак эшиш бўйича олтин медалларни қўлга киритди. Шунингдек, қитъа миқёсидаги мусобақалар – Осиё ўйинларида олтин, қитъа чемпионатида олтин ва бронза медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистонлик каноэчилар ўртасида биринчи бўлиб жаҳон чемпионлигига эришган Вадим Меньков спортдаги юксак натижалари туфайли Халқаро каноэ федерацияси (ICF) томонидан кетма-кет учинчи маротаба жаҳоннинг «Энг яхши каноэчиси», деб эълон қилинди.

Жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юксак натижалари орқали юртимизда камол топаётган навқирон авлоднинг ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини намоён этиб келаётган спортчиларимиз орасида Вадим Меньков ҳам бор. У Президентимиз Ислом Каримов томонидан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони ва «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.

Спортчимизга кейинги мусобақаларда омад тилаймиз!

(ЎзА)

Мутахассис маслаҳати

ТОЗАЛИККА ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ

Ўлкамизда ёз мавсуми бошланиши билан саломатлик душмани пашшалар кўпаяди. Асосан қолдиқ озиқ-овқатлар, чириган мева-сабзавотлар, кир ўралар, канализацияга уланмаган ҳожатхоналар пашшаларнинг кўпайиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Пашшалар ёз мавсумида иссиқ шароитда тез кўпайиб, ўзидан 1 миллионтагача насл қолдириши мумкин. Нима учун пашшаларни саломатлик душмани деб аталмиз? Пашша қолдиқ озиқ-овқатларга, чиқиндиларга қўниб, касаллик микробларини ўз оёқларига ва қанотларига илаштириб усти очиқ озиқ-овқатлар ва мева-сабзавотларга қўниб, уларни зарарлайди. Улар ювилмай истеъмол қилинганда одамларга касаллик микроблари юқиши мумкин.

Шундай экан, асосан тозаликка эътибор беришимиз, ҳар хил ахлат, озиқ-овқатлар қолдиқлари, чириган мева-сабзавотларни оғзи берк идишларда сақлаб, уларни вақти-вақти билан махсус ахлат қутиларга бўшатишимиз лозим. Тўғри келган ерларга ахлат уюмларини тўкишга асло йўл қўймаслик лозим, бундай шароитда ҳам пашшалар тез кўпайиши мумкин.

Хоналарга пашшалар учиб кирмаслиги учун эшик ва деразаларга майда сим тўрлар ёки докалар тутинг. Бундан ташқари пашшаларни йўқ қилиш учун ёпишқоқ қоғозлардан фойдаланинг.

Пашшалар кўпаядиган ерларда, қўриқланадиган ахлат қутилари қўйилган майдончаларда «Махсустранс» корхонаси билан шартнома асосида туман дезинфекция станцияси ходимлари томонидан ишлов ишлари олиб борилмоқда.

Ишлов берилмайдиган ерлар, шахсий хонадонларга пашшалар ва бошқа ҳашаротларга қарши туманлар дезинфекция станциялари ходимлари келишув асосида пуллик хизмат кўрсатмоқда. Тўлароқ маълумот олмоқчи бўлсангиз ўзингиз яшаб турган туман дезинфекция станциясига мурожаат қилишингиз ва мутахассислардан керакли йўл-йўриқлар, маслаҳатлар олишингиз мумкин. Билиб-билмай ҳар хил дориларни сотиб олиб пашшаларни йўқ қилишга ҳаракат қилманг.

Бу сизнинг соғлиғингизга зарардир!

Собир ТОЛИПОВ,
Учтепа туман дезинфекция станцияси бош врачи, олий тоифали шифокор

Спорт янгиликлари

ЖИДДИЙ СИНОВДАН ЎТИШАДИ

Футбол бўйича 19 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ташкиллаштириладиган Осиё чемпионатида Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги ўсмирлар терма жамоамиз иштирок этиши мухлисларга маълум албатта.

Ушбу нуфузли турнирга тайёргарлик доирасида 2-8 сентябрь кунлари Вьетнамда уюштириладиган халқаро турнирда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиши ҳақида аввал хабар берган эдик.

Осиё чемпионатига ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайдиган мазкур турнирда Аҳмаджон Мусаев шогирдларининг қайси терма жамоалар билан ўйнаши маълум бўлди.

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан Вьетнамда ўтадиган халқаро турнирга қуръа ташлаш маросими натижаларига кўра ўсмирлар терма жамоамиз бир гуруҳда австралиялик, эронлик ҳамда вьетнамлик тенгқурларига қарши майдонга тушишади.

Осиё футболи мавқеини жаҳон талаблари даражасига кўтариш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан хайрли ишга қўл урилди.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Миллионлар ўйини — футболнинг оммабоп спорт тури эканлигини ҳисобга олиб Осиё футбол конфедерацияси унинг профессионаллик даражасини кўтариш ҳамда болалар орасида оммавийлигини ошириш мақсадида 2013 йилни Болалар ва ўсмирлар футболи йили деб эълон қилди.

Бундан ташқари БМТ томонидан Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан 2013 йилнинг 15 май куни Болалар ва ўсмирлар футболи куни сифатида кенг нишонланади ҳамда ушбу байрам доирасида футбол мусобақалари уюштирилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***8 август*** *куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 36-38 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра ***8 августда*** *Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тамақдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9221
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 841
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4970 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5